

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №110

Учкудук туман.

2022 йил "15" ноябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Учкудук туман Ободонлаштириш бошқармаси Низом асосида иш кўрувчи **Ф ХАСАНОВ** бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи" деб юритиладиган *NAVOIY MELIORASIYA MCHJ* номидан устав асосида иш кўрувчи **Ж Тиллаев** иккинчи томондан бошқарма балансидаги *Учкудук тумандаги Дустлик МФЙ Бустон кучаси ички йулини 1- 2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15* уйлар олдини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади. беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик ишхоналар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишхоналар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва қонструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига *Учкудук тумандаги Дустлик МФЙ Бустон кучаси ички йулини 1- 2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15* уйлар олдини жорий таъмирлаш ишлари лойихасида кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва тегили комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соҳилар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 434 466 182 (Турт юз уштиниз турт миллион турт юз олтин олтин минг бир юз саксон икки ) сўми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:  
қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартноманинг нархларни аниқлаштириш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида агроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўриатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектининг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

• мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонуни ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қўлга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилиналган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга кирилади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш пакти ишлар бошланган кундан эътиборан беш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (%) фонди мислорида аванс ўтказди, бу 130 339 854 сўми 60 тийини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектига мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадралига биноан объектида ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектида ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги қарорнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қилганлиги.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатилган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадраларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни қарорнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улаштириш ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улаштириш Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бончилишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилиш назорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисмининг ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмастан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-баълинини иккинчи хат ботида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтариини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиши тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичда келишга олмадилар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.**

34.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

35.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

36.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;
- топламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

37.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар, жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совгалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки шаколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажариши.

38.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суъбий равишда иккинчи тарафга шукламлиқлар тугдириб, коррупциявий омили пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

39.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бадида белгиланган қондалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганнинг юзасида иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мажбур бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонуний давлат органларига мурожаат қиладилар.

## 10. КАФОЛАТЛАР

35. Пудратчи: барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзоландан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

37. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жаъвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўлима қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қолдасида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

42. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

43. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

44. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

45. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг

умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

46. Шартномага мулофиф бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортишнинг учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортиш суммасининг 0.2 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

47. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган лўқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаши Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириш туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

48. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекқурилиш назорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.3 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

49. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

50. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бонкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. ИМЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

51. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган имзоланган масалаларни томонлар ҳақ этолмаса улар қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзиқмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

53. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатсиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

54. Мазкур шартномага барча ўзгартiriш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартiriшлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлашгандан кейин қурилиш майдонинда ўзига тегишли мол-мулкни қолдириб, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноатига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

57. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонуни ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

58. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нускада тузилди.

59. Шартнома имзоланиб Газначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга кирди ва амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

**XV. ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

**ПУДРАТЧИ**  
**NAVOIY MELIORASIYA MCHJ**  
Юридик манзили Кармана тумани

х/р 20208000804429788001  
Банк номи Турон банк Навоий  
филиали МФО 00200  
ИНН 205779595

**БУЮРТМАЧИ**

Учқудуқ Ободонлаштириш бошқармаси  
Юридик манзиллаш: Чўл ҳўли кўчаси 29-ўй  
Х/р: 401722860122487065200110016  
ИНН: 206 908 433

Банк номи: Марказий Банк Тош. шХКМ  
Банк коди (МФО) 00014  
Ҳисобчилик бўлими Учқудуқ тумани  
ЯҒХ: 2340 2000 3001 0000 1010  
ИНН 201 122 919  
ХХТУТ: 00001



Ж Тиллаев  
(имзо)



Рихбар Ф Девриш  
(имзо)

М.У

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгилаб берилган тартибда ҳужжатларига мос равишда тузилган.

Ф.И.О.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

YZ2253784742

1. Loyihaning turi : **Shartnoma**
2. Loyihaning nomi: **Shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Uchquduq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Uchquduq tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristikonsulti:



**D.B.RUSTAMOVA**

14.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171464 на приобретение Учкудук тумандаги Дуслик МФЙ Бустон кучаси ички йулини 1-2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15 уйлар олдини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 11:10

Закупочная комиссия Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	<b>XASANOV FARXOD MURATOVICH</b>	бошлик	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	<b>TILYABOVA LOBAR ABDURASHITOVNA</b>	бош хисобчи уримбосари	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	<b>QAHNOROV SALIM QORAQULOVICH</b>	бош хисобчи	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	<b>XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH</b>	йул булими назоратчиси	Учкудук туман Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	<b>XAMROYEV JASUR AMRILJOYEVICH</b>	Кукаламзорлаштириш бригадири	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	<b>BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH</b>	Кукалазорлаштириш бригадири	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 171464.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
<b>Подробное описание</b>	Учкудук тумандаги Дуслик МФЙ Бустон кучаси ички йулини 1-2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15 уйлар олдини жорий таъмирлаш
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	436 191 933.00
<b>Стартовая сумма</b>	436 191 933.00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2Солик туловларидан карзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 2Солик туловларидан харзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	к-2	15	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	15	15	15	Экспертная		

Критерий №2 Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нухаси .

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нухаси .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	Давлат кабул хайъати далолатномалари	15	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	15	15	15	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш вазириликнинг махсус параталидаги рейтинг тугрисида маълумот ва рейтинг талаби С камида булиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш вазириликнинг махсус параталидаги рейтинг тугрисида маълумот ва рейтинг талаби С камида булиши лозим .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	рейтинг	15	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	15	15	15	Экспертная		

Критерий №4 1 Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисидам гувоҳнома ва устав нухалари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисидам гувоҳнома ва устав нухалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOY-MELIORASIYA M Ч Ж	15	Гувохнома ва Низом	15	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	15	15	15	Экспертная		

Критерий №5 9 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш тугрисида)

Тип: Текстовое значение

Описание: 9 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш тугрисида)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOY-MELIORASIYA M Ч Ж	30	кафолат хати	30	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	30	30	30	Экспертная		

Критерий №6 3 охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 3 охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	пул айланмаси ва реквизит	20	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	20	20	20	Экспертная		

Критерий №7 Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	Техникалар	19	Экспертная		
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	20	20	20	Экспертная		

Критерий №8 Ишчи кучи тургисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тургисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи кучи тургисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тургисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	ишчилар	18	Экспертная		
<b>УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда</b>	20	20	20	Экспертная		

Критерий №9 бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишлаога хамда эълонда хурсатилган ан смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишлаога хамда эълонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	смета	18	Экспертная		
<b>УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда</b>	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда</b>	436 191 933.00	434 466 182.00 UZS	434 466 182.00	00,00	434 466 182.00	04.11.2022 15:24:09	5
NAVOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	436 191 933.00	436 130 775.00 UZS	436 130 775.00	00,00	436 130 775.00	02.11.2022 17:28:38	4,4000

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл

УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда	95	5	100
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	92.20605	4.98092	97.15697

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171464 от 10.11.2022 года на приобретение Учкудук тумандаги Дуслик МФЙ Бустон кучаси ички йулини 1-2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15 уйлар олдида жерий таъмирлаш определила победителем:

УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-Фойда  
201011280

и резервный исполнитель: NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж (205779595)

Проголосовали

Комиссия	Ф, И, О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XASANOV FARXOD MURATOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAHHOROV SALIM QORAQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOQULOV NUDIRJIK ZIYADULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП